

## СУРИШТИРУВ ЖАРАЁНИДА КАСБ ЭТИКАСИ МАСАЛАЛАРИ

**Шоира Шовкатовна БУРИБЕКОВА**

мустақил изланувчи

Ўзбекистон журналистика ва оммавий

коммуникациялар университети

Тошкент, Ўзбекистон

### Аннотация

Мақолада ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатларнинг мукамаллик даражаси, суриштирув журналистикасида журналист касби этикасининг ўрни ва унга амал қилишнинг аҳамияти, тележурналистика амалиётида кузатилаётган камчиликлар ва уларнинг олдини олишга қаратилган ҳулосалар ёритилади.

**Таянч сўзлар:** цинизм, нигилизм, скептицизм, этика, хартия, айбсизлик презумпцияси, кодекс.

## ВОПРОСЫ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ЭТИКИ В ПРОЦЕССЕ ДОЗНАНИЯ

**Шоира Шовкатовна БУРИБЕКОВА**

независимый исследователь

Университета журналистики и

массовых коммуникаций Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

### Аннотация

В данной статье вы сможете ознакомиться с уровнем совершенства разработанных нормативных документов, ролью журналистской этики в журналистских расследованиях и важностью ее соблюдения, недостатками, наблюдаемыми в практике тележурналистики, и выводами, направленными на их предотвращение.

**Ключевые слова:** цинизм, нигилизм, скептицизм, этика, хартия, презумпция невиновности, кодекс.

Жамият ривожига йўлида хизмат қилиш ва бу йўлда кучли қизиқиш билан адолатпарварлик йўлида изланиш журналистни суриштирув ўтказишга ундовчи асосий кучлардан бири ҳисобланади. Тадқиқот олиб бораётган журналист учун адолат қарор топиши муҳим бўлса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун бу йўлда қонун устуворлигини таъминлаш асосий вазифа бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун уларнинг ваколат доираси ва имкониятлари ҳам турли хилдир [8;68]. Аммо бу йўлда ҳам журналист ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан йўл қўйилиши мумкин бўлган эҳтиётсизлик борки, баъзи ҳолларда бундан оддий фуқаро азият чекиши мумкин. “Санкт-Петербургдаги машҳур нашриётлардан бирида

вояга етмаган ва зўрланган 5 нафар қизалоқларнинг расми чоп этилди. Уларнинг барчаси зўрланиб ўлдирилганлик хулосаси билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан аниқланган. Ташкилот розилиги асосида қизларнинг расми нашриёт томонидан чоп этилиб, жиноят тафсилотлари келтирилган. Орадан бир қанча вақт ўтганидан сўнг, нашриётга бир аёл қўнғироқ қилиб, даҳшатли ҳайқириқда, чоп этилган расмдаги қизлардан бири қидирувда бўлган жияни эканлиги, онасини эса мақоладаги фарзандини кўриб, инфаркт тутгани ҳамда тез тиббий машинада тиббиёт муассасасига олиб кетилгани ҳақида хабар беради” [8;47]. Ҳар ким ўз ишини қилаётгандек кўринаётган бу масала замирида “этика” билан бир қаторда журналист суриштирувини ўтказиш технологиясидан беҳабарлик ҳам ётади. Сабаби, бу ҳолатда нашриёт ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга таяниб, яъни “бир томонлама” иш кўриб мақола чоп этган. Ваҳоланки, журналист суриштируви ўтказилмагунига ва жараён тугамагунига қадар мақола чоп этилмайди. Жанр мазмуни ҳам шундан иборат. Ҳар соҳа вакилининг этикаси бўлгани каби журналистика соҳасида ҳам бу яққол кўзга ташланади. Бу ҳолатда иккинчи тарафда ҳам шу камчилик кўринган. Баъзида журналист жамоатчилик ва юқори турувчи органлар, ташкилотлар ўртасида кўприк вазифасини ўташини унутиб қўяди. Сабаби эса оддий таҳририят ва муҳарририятларда, одатда, журналистлардан такрорланмас янгилик ва маълумотлар тез тайёрланиши сўралади.

Журналист суриштируви билан ҳар қайси журналист шуғулланиши мумкин. Бунинг учун “қизиқувчанлик баробарида, адолатсизлик учун курашиш ҳисси, цинизм (маданий қадрият ва ахлоқий меъёрларга нисбатан нафрат муносабати) ва нигилизм (фундаментал тушунчаларни мутлақо инкор этадиган фалсафа) ўртасида чегараланиб турувчи скептицизм (шубҳаланиш, доимо изланиш ва қониқмаслик фалсафаси) кучли бўлиши керак” [8;29].

Журналист ўз шахсий фикрини материалда билдирмаслиги керак. У сценарий ва воқеалар кетма-кетлигини шундай яратиши лозимки, ғайриқонуний жараёнларга нисбатан фактга асосланган далиллар

келтирилиб, ўқувчи ҳукмига ҳавола этилган бўлиши лозим. Жамоатчилик ишончини суиистеъмол қилиш, пора олиш ёки воқеа жабрланувчисига айланиш каби қандай қонунбузарлик бўлмасин, асосийси воқеанинг далилий қисми кимдир (мутахассис, гувоҳ, жабрланувчи) томонидан очиб берилиши керак. Журналистда эса материални худди занжирдек тахлай олиш, мазмунини келтириб бериш ва “гулини гулига тушириб бериш” дек қобилият бўлиши зарур.

Россиянинг журналистик текширувлар агентлиги раҳбари Андрей Константиновнинг талқинига кўра, ҳозирги кунда ҳақиқий журналистик текширувларидан иборат телематериаллар кам учрайди. “Журналист текшируви” номли рукн остида эфирга узатилаётган ёки унга даъвогарлик қилиб ёзилаётган материалларнинг ҳаммаси ҳам мазкур жанр талабларига жавоб бермайди. Бу журналистик текшируви тушунчасини тўлиқ англаб етмаслик, жанр моҳияти ва уни нотўғри талқин қилиш, журналист ва мутахассисларда соҳанинг ушбу йўналиши бўйича билимлар етишмаслигидан келиб чиқади [9].

Журналист ҳеч қачон ахборот олиш йўлида пора бериши, ҳужжатларни ўғирлаши, шахсий ҳудудга ноқонуний йўл билан кириши мумкин эмас. Албатта, агар буни суд жавобгарлигидан қочмаган ҳолда амалга оширса, бу ҳолатлар бундан мустасно. Бутун дунёда шу каби ҳолатларни четлаб ўтишга қаратилган касб этикасига доир ҳужжатлар ишлаб чиқилган. “Улар орасида “журналистнинг касб этикаси кодекси” тушунчаси, илмий асосда ўрганилиши жиҳатидан нисбатан анча ёш. Ушбу соҳага оид халқаро кодекслар асосан XX асрнинг дастлабки йилларида Америка, Бельгия, Швеция, Исландия, Испания ва Германияда яратила бошланган. Халқаро журналистлар федерациясининг “Журналист одоби принциплари декларацияси” 1954 йили қабул қилинган. Профессионал журналистлар жамиятининг “Ахлоқий нормалар кодекси” 1996 йилда амалга киритилган” [2]. Журналист касбига доир ишлаб чиқилган ҳужжатлар асосида журналист фаолиятини ҳуқуқий, ахлоқий ва психологик жиҳатдан изга солиш

мезонлари ётади. “Кодекс – журналист тўғри йўл топиши учун яратилган имконият” [6]. Шунингдек, “Давлат ва ҳуқуқ асослари” китобида бу борада қуйидаги таснифлар келтирилган. “Кодекс – мантикий тизимлаштириш хусусиятига эга қонун бўлиб, ижтимоий муносабатларнинг маълум бир соҳасини батафсил тартибга солувчи нормаларни бирлаштиради” [7]. Касб этикасининг амалда ишлаши журналистнинг ижодий ва ҳаётий ҳаракатларини мустаҳкамлайди. У нотўғри оғиш, иккиланиш ва йўлсизликка учрамайди. Бу эса интизомий нормалар доирасидан чиқиб кетмасликка туртки бўлади. “Агар ўзини ўзи чеклаш тамойили ҳаётга татбиқ этилмаса, журналистикани чекловчи бошқа кучларнинг таъсири кучайишини хорижда яхши англайди. Шунинг учун “ўзини ўзи цензура қилиш”, “ўзини ўзи бошқариш” каби иборалар тез-тез ишлатиладиган бўлди” [4].

2018 йилнинг 1 апрелида Mening Yurtim (MY5) телеканалининг “Яширин камера” кўрсатуви орқали эфирга узатилган сонидан жамоат жойларида ўзини номуносиб тутаётган ёшлар ҳамда уларнинг хатти-ҳаракатлари ҳақида журналистлар томонидан маълумотлар берилган. Жумладан, унда жамоат жойларида сайр қилиб юрган ёшларнинг беҳаё ҳаракатлари тасвирга олиниб, эфирга узатилган. Кўп ўтмай, кўрсатув умуман эфирдан олиб ташланди. Кўрсатувнинг ушбу сони ижтимоий тармоқларда кенг муҳокамаларга сабаб бўлди. Улардан бири Адлия вазирлиги Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи в.б. Шаҳноза Якубджанова ўз постида журналистларнинг ҳаракатларига тўхталиб ўтган. “Нодавлат телеканалларнинг Хартиясида журналист касбий бурчини бажаришда инсонларнинг ахлоқий, жисмоний ва руҳий соғлиғига зарар етказиши мумкин бўлган ахборотларни узатишда белгиланган меъёрлар ва касбий этикани инобатга олиши лозим. Сўзсиз, ўсиб келаётган авлод келажаги учун, уларни бой тарихий-маънавий қадриятлар руҳида тарбиялаш муҳим. Шу билан бирга, одоб-ахлоқ қоидалари жамиятда фуқароларнинг дунёқараши, эътиқоди, шахсий фазилатлари ва бошқа омиллардан келиб чиқиб шаклланади. Адлия вазирлиги тарбия муҳимлигини, лекин

бунга инсон ҳуқуқларининг бузилиши ҳисобига эришилишига йўл қўйиб бўлмаслигини қайд этади» [1].

Бундай ҳолатларда фуқаролар шаъни ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бир қанча қонунлар борки, журналистлар ҳам бу каби ҳужжатларни четлаб ўтиши ноўрин. Жумладан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 12-моддасида ҳеч кимнинг шахсий ҳаётига ўзбошимчалик билан аралашиб мумкин эмаслиги белгиланган. Шунингдек, Ўзбекистон Конституциясининг 25-моддасида ҳар кимнинг эркинлиги ва дахлсизлиги, 27-моддасида шахсий ҳаётига аралашидан ҳимояланиш ҳуқуқи қафолатланган. «Ахборот эркинлиги принциплари ва қафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 13-моддасига мувофиқ, жисмоний шахсининг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига оид ахборотларнинг тарқатилишига йўл қўйилмаслиги, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасида оммавий ахборот воситалари орқали фуқароларнинг шахсий ҳаётига аралашиб тақиқланиши ҳамда «Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасида Журналист ахборот манбаи ёки муаллиф розилигисиз жисмоний шахсининг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотларни эълон қилиши, шунингдек аудио ва видео ёзиш воситаларидан фойдаланиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган. Жанр бўйича телематериал тайёрлашни мақсад қилган журналистнинг қалами ўткир, фикри теран ва таъсирчан, билими ва фикр доираси кенг, сўзлари мақсадли бўлиши керак. Унинг асосий қуроли биринчидан, инсонлар билан мулоқот қила олиш қобилияти ҳисобланади. Журналист ўз фикрини бериши ёки кимгадир уқтиришга ҳақли эмас. У ўзгалар фикрига таяниб, асосланган далилларни келтириши зарур. Бунинг учун эса, мулоқотчи унинг асосий объектига айланади. Асосий ахборотни ҳам баҳони ҳам мулоқотчи, гувоҳ, фуқаро, мутахассис, воқеа иштирокчиси ва ҳ..з. лардан олиши мумкин. Иккинчидан, ҳужжатлар билан ишлай олиш қобилияти бўлиши керак. Унинг ҳар бир сўзи ва ҳаракати асосланган, исботланган ва далилланган бўлиши муҳим.

Ўзбекистонда ҳам мувозанат, аниқлик ва ҳалоллик каби журналист асосий принципларининг бузилиши ҳолатлари сабабли, касб этикасига бўлган эҳтиёж янада кучайди. “Ўзбекистон Миллий матбуот маркази Самарқанд бўлими томонидан миллий журналистикада биринчи марта “Журналистларнинг ахлоқ кодекси”ни яратишга уриниш бўлди. Ушбу Кодекс Ўзбекистон журналистлари касб фаолиятига таяниб иш юритадиган ахлоқ нормаларини ўз ичига олади” [4].

Ўзбекистоннинг журналистларга оид ахлоқ нормалари 23 та моддани ўз ичига олади. Унда журналистнинг касбий мажбурияти, ОАВнинг жамиятда тутган ўрни ва муносабати, маълумот билан ишлаш принцип ва муаммолари, унда журналист позицияси каби масалалар кенг ёритилган. Ўзбекистонда ҳам журналист касбига оид нормаларда камчиликлар кузатилади. Умуман, Кодексда жамият ва давр нафаси, ундаги ўзгаришлар акс этиб туриши керак. Шундагина ҳужжат аҳамиятли ҳисобланади. 2006 йилда Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан “Босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари журналистларининг ахлоқ-одоб кодекси” чоп этирилди. Етти банддан иборат ихчам Кодекснинг иккинчи бўлимида “Журналист олдига қўйилган биринчи талаб “объектив воқеликни рост акс этириш орқали одамларнинг ҳаққоний ва рост ахборот олишини кафолатлашдан иборат” [3] деб кўрсатилган. Тележурналистикада ахлоқий масалалар илк мартаба 1966 йилда А.Юровский ва Р.Борецкий ҳаммуаллифлигида чоп этилган “Телевизион журналистика асослари” дарслигида келтирилган. Ушбу асар 1987 қайта нашр этилиб, унда “этика” терминидан илк мартаба фойдаланилган. Ўзбек тележурналистикасида эса ушбу мавзу чуқур ўрганилмаган. Бу борада Хуршид Дўстмуҳаммад куйидагича фикр билдиради, “Тележурналистикада ахлоқий масалалар ўзбек тележурналистикасида ҳам алоҳида ўрганилмаган. Бу борадаги айрим фикр-мулоҳазалар ўтган асрнинг охириги ўн йиллиги ва ХХІ асрнинг аввалидаги чиқишлардагина учрайди, холос” [2;67]. Бугунги кунда тележурналистикада

тележурналистларнинг касб одоби кодексини яратиш муҳим поғонага кўтарилган. Давлат ва нодавлат телеканалларнинг кўпайгани сари янги тележурналистларга талаб кўпаймоқда. Бу эса соҳада кутилмаган муаммолар, тажрибасизлик, маданиятсизлик, эътиборсизлик каби хунук ҳолатларни келтириб чиқараётганини кўришимиз мумкин. Мисол учун, “Замон” инфор­мацион дастурининг жонли эфири вақтида бошловчи Дилобар Кабулова автохалокат тўғрисидаги хабарни ўқиётди кулиб юборади [10]. Тажрибада бўлиши эҳтимолдек кўринган бу ҳолат аслида касб этикасини кўпол равишда бузилганига мисол бўла олади. Сабаби, ахборотнинг ўзи аянчли бўлиб турган бир вазиятда, журналистнинг кулги остидаги муносабати жуда кўпол ҳолат ҳисобланади. Бундан ташқари, “теле ёки радиобошловчи, мухбир ўз суҳбатдошининг гап-сўзларига эътиборсизлик қилса, унга ўринсиз саволлар берса, ҳатто жеркишга ўхшаган муносабатлар қилса, буларнинг ҳеч бирини оқлаб бўлмайди” [2;90]. Тележурналистларда кўп кузатиладиган бир ҳолат мавжуд. Телекўрсатув ва лавҳаларда вақт чегаралангани боис, кўп вазиятларда суҳбатдош сўзи бўлиниб, навбатдаги савол берилади. Аслида суҳбатдош фикри охирига қадар тингланиши керак. “Ёки бўлмаса, телевидениеда қирққа яқин турли соҳа эгалари йиғилишган. Ток-шоунамо кўрсатув намоёиш этилмоқда. Иштирокчиларнинг ёши турлича. Қайсидир саволга ёш йигит жавоб бера бошлади. Бошловчи тўсатдан уни гапдан тўхтатиб, “Сиз шошмай ту­ринг, аввал мутахассислардан эшитайлик” деб микрофонни юлқиб олгудай ва­жоҳатда бошқа иштирокчига олиб берди. Бу ҳам одобга зид ёндашув. Чунки кўрсатув иштирокчиларининг ҳам мавқеи бир хил ҳисобланади” [2;91]. Айниқса, суриштирув журналистикасида бу муҳим ҳисобланади. Сабаби, жанр моҳиятига кўра, муҳим фикрларни суҳбатдош ўзи билган ёки билмаган ҳолда айтиб юбориши мумкин. Ёки журналист илмоқли саволларни берган тақдирда ҳам яшириб келинган маълумотни олиш эҳ­ти­мо­ли мавжуд.

Журналист фаолиятида кўп кузатиладиган касб этикаси меъёрига зид бўлган психологик ҳолатлардан бири “ўзига ишонч” тушунчасининг ҳаддан

ташқари ортиб кетиши, манманлик ва кибр-хавога берилиш ҳисобланади. Буни Хуршид Дўстмуҳаммад қуйидагича ифодалайди.

“Текширув иши давомида камчилик ва нуқсонларни ифода этувчи маълумотлар ўз тасдиғини топгани сари, яъни текширилувчининг бўйни қанчалик эгилса, текширувчининг тили шунчалик бийронлашади. Таққос, таҳлил, тадқиқ натижасида асл манзара ойдинлашади. Ҳукм ва хулоса палласига яқинлашгани сари журналист ўзини доно кашфиётчидан кам сезмайди. Бундай мураккаб психологик эйфория ҳолатини бошдан кечириш ҳар қандай одамнинг, жумладан журналистнинг ҳам феъл-атвори, дунёқараши, кибр дунёсига таъсир кўрсатмай қолмайди” [11].

Журналистнинг касбий маҳорати, билим доираси, нуқтаи назарини намоёйиш этиш, аудитория ва томошабинлар олдида ўзига хос имиджини (нуфузини) шакллантиришда журналист этикаси муҳим ўрин тутаяди.

Айниқса, телевизион журналист суриштирувига кадр ва матн ҳамоҳанг келгани боис, журналистнинг ютуқ ва камчиликлари аниқ кўриниб қолади. Шу сабабли, телевидение соҳасида фаолият кўрсатаётган журналистлар учун аниқ шакллантирилган махсус касб этикаси нормаларининг ишлаб чиқирилиши нафақат журналист шахси, балки юртимизнинг чет давлатлар олдидаги образини оширишга ҳам хизмат қилади.

Мазкур мавзу чуқур ўрганилди ва бу бўйича қуйидаги хулосалар чиқарилди:

1. Миллий журналистикада “Журналистларнинг ахлоқ кодекси” илк мартаба Ўзбекистон Миллий матбуот маркази Самарқанд бўлими томонидан яратилган. Ҳужжатда журналистнинг ўз касбига муносабати, ахборотга ОАВ ва жамиятнинг муносабати, журналистнинг касби, бурчи ва масъулияти ҳақида кенг ёритилган.

2. Навбатдаги ахлоқ-одоб кодекси 2006 йилда Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агенликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан “Босма ахборот воситалари ва ахборот агентликлари журналистларининг ахлоқ-одоб кодекси” номи билан чоп этилди. Ушбу ҳужжатда асосан босма ОАВ



журналистларининг жамият ва халқ олдидаги бурчи, миллий ва умуминсоний кадриятларга нисбатан муносабати, жамият тараққиётига қўшадиган ҳиссаси ўрин олган.

3. Ўзбек тележурналистикасида ахлоқий масалалар ҳозирга қадар алоҳида ўрганилмаган. Ва айнан тележурналистикага хос ахлоқий қоида нормалари ишлаб чиқилмаган. Ваҳоланки, ОАВ ўзининг йўналиши, фаолияти, ишлаш тартиби, талаби ва ходимлар сони жиҳатидан бир-биридан фарқланади. Бу эса ОАВнинг турли йўналишларини ўз ичига олган ахлоқ-одоб кодекслари бўйича ягона ҳужжат ишлаб чиқилишини талаб қилади.

4. Юқоридаги фикрларни инобатга олган ҳолда, суриштирувчи журналистлар учун ҳам ахлоқ-одоб кодексига оид маълумотларнинг киритилиши, бугунги кунда “ахборот қотилларидан” қутулишнинг бирдан-бир йўли десак муболаға бўлмайди. Жанрга оид ахлоқ-одоб нормаларини яратмас эканмиз, журналистларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларига қарши давлат томонидан қонунлар чиқарилиб, охир-оқибат журналист суриштируви ҳам йўққа чиқиши ҳеч гап эмас.

Хулосалардан келиб чиқиб, суриштирув жараёнида касб этикаси масалалари бўйича қуйидаги таклифларни келтириш мумкин.

1.Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган журналистлар учун мақбул бўлган ягона “Журналистнинг профессионал этика кодекси”ни ишлаб чиқиш;

2.Кодексни ишлаб чиқишда ОАВ йўналиши, макон ва замон имкониятларини ( оммавий ахборот воситаларининг бугунги ҳолати, уларга яратилган шарт-шароитлар, миллий менталитет, журналистлар тажрибаси, маҳаллий бошқарув органларининг муносабати, жамоатчилик фикри ва ижтимоий тадқиқот) ҳам инобатга олиш;

3.Тележурналистика ахлоқ нормалари қоидаларини журналист тажрибаси нуқтаи назаридан келиб чиқиб, дуч келинаётган тазйиқларнинг олдини олишга қаратилган қонунлар, жамиятда ахборот олиш эркинлиги ва принциплари, айбсизлик презумпциясига риоя этиш малакаси, маънавий

зарар ҳолатлари ва журналистика амалиётида учраётган босим ва тўсиқларни баратарф этиш ҳолатларини инобатга олган ҳолда чуқур ўрганиб, ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқдир.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Босма ахборот воситалари ва ахборот агентликлари журналистларининг ахлоқ-одоб кодекси. Босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари хартияси. Оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш – жамиятни демократлаштиришнинг энг муҳим омили. – Тошкент: Истиқлол, 2006. – 73 б.
2. Дўстмухаммад, Хуршид. Халқаро журналистикада гуманитар ҳуқуқ ва касб этикаси. – Тошкент: ЎзДЖТУ, 2011. – 144 б.
3. Дўстмухаммад, Хуршид. Журналист текшируви: матбуотни эркинлаштириш йўли. //Хуррият, 2004 йил, 26-июнь сони
4. Журналист ва ҳуқуқ. //Ўзбекистон Миллий матбуот маркази Самарқанд вилоят бўлими ахборотномаси, 2003. – №8-сон.
5. Константинов А.Д. Журналистское расследование. История метода и современная практика / Под ред. А.Д.Константинова – СПб.: Нева, 2003. – 276 с.
6. Профессиональная этика журналиста. //Док.и справич. материалы. – Москва: Галерея, 2002. – 19 с.
7. Саидов А., Таджиханов У., Одилқориев Х. Давлат ва ҳуқуқ асослари. – Тошкент: Шарқ, 2002. – 28 б.
8. Шум Ю. Журналистское расследование. – Москва: Барс, 2000. – 108 с.
9. [www.evarist.narod.ru](http://www.evarist.narod.ru)
10. <https://www.gazeta.uz/uz/2018/04/04/my5/>
11. [www.evarist.narod.ru](http://www.evarist.narod.ru)